# "ШЎРЧИ ПАХТА ТОЗАЛАШ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИНГ 7-СОН ЙИҒИЛИШ БАЁННОМАСИ

| | |
|---|---|
| **Мажлис ўтказилган сана, вакт:** 2024 йил 29 май соат $10^{00}$ (сиртдан) | **Мажлис ўтказилган жой:** Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, Мустакиллик кўчаси 76 уй. |

| | |
|---|---|
| **Мажлис раиси:** | **Кузатув кенгаши раиси:** Халиков Сайдулла Мамаюсупович. |
| **Қатнашдилар:** | **Кузатув кенгаши аъзолари:** Бобокелдиев Бахриддин Абдираупович; Қиличов Ўктам Менгнарович; Қурбанов Шамситулла Аллаевич; Халбаев Тўрамурод Жайловович; Қаюмов Махмуд Маннонович; Абдурахмонов Мухиддин Рахматуллаевич. |
| **Мажлис котиби:** | Б.Хасанова-Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси. |
| **Кворум:** | **100 фоиз.** |
| **Таклиф этилди:** | А.Юлдошев – Жамият Бош директори. Т.Хўжамшукуров–Жамиятнинг Бош бухгалтери. |

## КУН ТАРТИБИ:

**1. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини дастлабки тасдиқлаш.**
**2. Жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақириш тўғрисида.**

<u>Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан</u> - жамият Бош директори А.Юлдошев сўзга чиқиб, "Шўрчи пахта тозалаш" АЖнинг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботи билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди *(ҳисобот илова қилинади).*

Кузатув кенгаши аъзоси Ш.Қурбанов томонидан "Шўрчи пахта тозалаш" АЖнинг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини дастлабки тарзда тасдиқлаш ва ушбу масалани кўриб чиқиш ҳамда якуний тасдиқлаш учун акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритиш таклифини киритди.

Таклиф овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 7 нафар; Қаршилар – йўқ; Бетарафлар – йўқ.**

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб, кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Кузатув кенгаши томонидан **қарор қилинди:**

**1. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботи дастлабки тарзда тасдиқлансин ва ҳисоботни якуний тасдиқлаш учун акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилсин.**

**Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан** - Кузатув кенгаши раиси С.Халиков сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларини "Шўрчи пахта тозалаш" АЖ Бош директори А.Юлдошевнинг 2024 йил 27 майдаги 01-01/11-сонли мурожаати билан таништирди.

Мурожаатда, жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини 2024 йил 26 июнь куни соат 9:00га чақириш ва йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича қуйидагича таклиф киритилган.

Жумладан:

**1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.**

**2. Жамиятнинг 2023 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.**

**3. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.**

**4.Жамият ташқи аудиторининг 2023 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.**

**5. Жамият Кузатув кенгашининг 2023 йил якуни бўйича хисоботини тасдиқлаш.**

**6. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.**

Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоиз 377 688 960 сўм миқдорида тузилади ва 2024 йил 01 январ ҳолатига захира фонди 124 257 900 сўм, яъни устав капиталнинг 4,93 фоизини ташкил этади.

Жамият Уставида захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар хар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилиши белгиланган.

Жамиятда 2023 йил якуни бўйича соф фойда олинмаганлиги, яъни 44 951 000 сўм зарар билан якунланганлиги эътиборга олиниб, жамиятнинг захира фондига ажратмалар ажратилмаслиги акциядорларнинг умумий йиғилишига маълумот учун киритиш тавсия этилсин.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 21-моддаси 7-хатбошида Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради деб кўрсатилган. Бундан ташқари 32-моддасининг 2-хат бошида Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланиши белгиланган.

Жамият Уставининг 46-бандида Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкинлиги белгиланган. Шу билан бирқаторда 48-бандида, Имтиёзли акция ўз эгасига ҳар йили бир дона акция номинал қийматининг 15 фоизи миқдорида биринчи навбатда дивиденд олиш ҳуқуқини беради деб кўрсатилган.

- уставга кўра 2022 йил учун акция номинал қийматининг 15 фоиз миқдорида (акциянинг номинал қиймати 600 сўм* 15% = 90 сўмдан * 289 440 дона) жами 26 049 600 сўмни жамият томонидан чиқарилган 289 440 дона имтиёзли акцияларга дивиденд тўланишига жамиятнинг захира фондидаги маблағ ҳисобидан ажратилиши акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсия этилсин;
- Эски йиллардан тақсимланмасдан жамғарилган фойда тариқасида қолдирилган 174 141 727 сўм маблағ жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олиш тавсия этилсин.

**7. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.**

**8. 2024 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.**

Ҳозирги кунгача жамиятга қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан таклифлар келиб тушган.

| Т/р | Аудиторлик ташкилотининг номи | Мурожаат санаси ва рақами | Таклиф қилинган хизмат нархи (минг сўм) |
|---|---|---|---|
| 1 | “GREAT FOURS” МЧЖ | 16.04.2024. №63\2 | 4 000,0 |
| 2 | МЧЖ “HIMOYA FAIR” | 19.04.2024. №3/24 СФТТ | 3 900,0 |
| 3 | МЧЖШ”HOMBUR-AUDIT” | 21.05.2024. №57 | 10 000,0 |
| 4 | МЧЖШ”NEWGLOBALPROPESSIONAL-AUDIT” | 21.05.2024. №69 | 8 500,0 |

**9. Жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.**

**10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.**

Кузатув кенгашига қуйидаги номзодлар бўйича ёзма таклифлар келиб тушган.

| № | Акциядорнинг номи (исми-шарифи) | Акциядорга тегишли акциялар сони, тури ва УФдаги улуши | Мурожаат рақами ва санаси | Кузатув кенгашига номзоднинг Ф.И.Ш., иш жойи ва лавозими |
|---|---|---|---|---|
| 1 | “Сурхондарё пахтасаноат” ҲАБ АЖ | 2 140 224 дона оддий, 51% | №01-01\22 01.02.2024 | 1.Исломов Акмал Ҳакимович - ”Сурхондарёпахтасаноат” ҲАБ тугатиш комиссияси раиси |
| | | | | 2.Кучкаров Тоҳир Мўминджанович - “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Лойиҳа офиси” Бош ҳисобчиси |
| | | | | 3.Қиличов Ўктам Менгнарович - ”Сурхондарёпахтасаноат” ҲАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси. |
| | | | | 4.Курбанов Шамситулла Аллаевич - “Сурхондарёпахтасаноат” ҲАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси |
| | | | | 5.Халбаев Тўрамурод Жайловович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти худудий бошқармаси бошқарма бошлиғи ўринбосари. |
| 2 | Базарбаева Нигора | 302 880 дона оддий, 7,75 % | | 1.Абдурахмонов Мухиддин Рахматуллаевич - “Давр Мезони” МЧЖ директори. |
| | | | | 2.Исломов Акмал Хакимович-“Сурхондарёпахтасаноат” ҲАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси. |

| № | Акциядорнинг номи (исми-шарифи) | Акциядорга тегишли акциялар сони, тури ва УФдаги улуши | Мурожаат рақами ва санаси | Кузатув кенгашига номзоднинг Ф.И.Ш., иш жойи ва лавозими |
|---|---|---|---|---|
| | | | | 3.Қаюмов Махмуд Маннонович - Депозитарий "Сурхондарё ВАКТ" МЧЖ директори. |

**11.Қонунчиликда белгиланган тартибда жамиятнинг муддати ўтган дебитор ва кредиторлик қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ва бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.**

**12.Жамият ижро органи ходимларининг штатлар жадвалини тасдиқлаш.**

**13.Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг 2024 йил 7 мартдаги 14-сон йиғилиш баёнига асосан активларнинг нархини қадам-бақадам пасайтириш.**

**14.Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жихатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси йиғилишининг 2023 йил 31-июлдаги 68-сонли баёни 107-банди ижросини таъминлаш тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 75-моддасига мувофиқ жамият кузатув кенгашининг ваколати доирасига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақириш киритилган.

Кун тартибидаги масала юзасидан кузатув кенгаши аъзолари жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақириш масаласини муҳокама қилдилар.

Жамият ақциядорларнинг йиллик умумий йиғилишиничақириш ва кун тартибини белгилаш таклифи киритилди.

Таклиф овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

**Тарафдорлар – 7 нафар; Қаршилар – йўқ; Бетарафлар – йўқ.**

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб, кун тартибидагииккинчимасала юзасидан Кузатув кенгаши томонидан **қарор қилинди:**

**1."Шўрчи пахта тозалаш" АЖ акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши 2024 йил 26 - июнь куни соат $9^{00}$га Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, Мустақиллик кўчаси 76 уй, "Шўрчи пахта тозалаш" акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залига чақирилсин.**

**2.Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби қуйидагича белгилансин:**

*1.Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.*

*2.Жамиятнинг 2023 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.*

*3.Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.*

*4.Жамият ташқи аудиторининг 2023 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.*

*5. Жамият Кузатув кенгашининг 2023 йил якуни бўйича хисоботини тасдиқлаш.*

*6. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.*

*7.Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.*

*8.2023 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.*

*9.Жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.*

*10.Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.*

*11.Қонунчиликда белгиланган тартибда жамиятнинг муддати ўтган дебитор ва кредиторлик қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ва бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.*

*12.Жамият ижро органи ходимларининг штатлар жадвалини тасдиқлаш.*

*13.Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг 2024 йил 7 мартдаги 14-сон йиғилиш баёнига асосан активларнинг нархини қадам-бақадам пасайтириш.*

*14.Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жихатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси йиғилишининг 2023 йил 31-июлдаги 68-сонли баёни 107-банди ижросини таъминлаш тўғрисида.*

**3. Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоиз 377 688 960 сўм микдорида тузилади ва 2024 йил 01 январ холатига захира фонди 124 257 900 сўм, яъни устав капиталнинг 4,93 фоизини ташкил этади.**

**Жамият Уставида захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар хар йили соф фойдадан 5 фоиз микдорида ажратмалар ўтказилиши белгиланган.**

**Жамиятда 2023 йил якуни бўйича соф фойда олинмаганлиги, яъни 44 951 000 сўм зарар билан якунланганлиги эътиборга олиниб, жамиятнинг захира фондига ажратмалар ажратилмаслиги акциядорларнинг умумий йиғилишига маълумот учун киритиш тавсия этилсин.**

**“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддаси 7-хатбошида Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш хуқуқини беради деб кўрсатилган. Бундан ташқари 32-моддасининг 2-хат бошида Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигация-ларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланиши белгиланган.**

**Жамият Уставининг 46-бандида Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкинлиги белгиланган. Шу билан бирқаторда 48-бандида, Имтиёзли акция ўз эгасига ҳар йили бир дона акция номинал қийматининг 15 фоизи микдорида биринчи навбатда дивиденд олиш ҳуқуқини беради деб кўрсатилган.**

**- уставга кўра 2023 йил учун акция номинал қийматининг 15 фоиз микдорида (акциянинг номинал қиймати 600 сўм* 15% = 90 сўмдан * 289 440 дона) жами 26 049 600 сўмни жамият томонидан чиқарилган 289 440 дона имтиёзли акцияларга дивиденд тўланишига жамиятнинг захира фондидаги маблағ ҳисобидан ажратилиши акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсия этилсин;**

**- Эски йиллардан тақсимланмасдан жамғарилган фойда тариқасида қолдирилган 174 141 727 сўм маблағ жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олиш тавсия этилсин.**

4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси 2024 йил 29 май куни белгилансин. Жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри 2024 йил 20 июнь ҳолатига шакллантирилсин.

5. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учунуч кишидан иборат, яъни жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси – Хасанова Бахрин Хушбаковна, жамиятнинг Бош директори Юлдошев Акмал Эргашевич ва "Сурхондарёпахтасаноат" ХАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси Гулямов Нигматулло Кадировичлар саноқ комиссиясига тавсия этилсин.

6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар "open info" корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилсин.

7. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибидаги масалалари юзасидан тегишли ахборот (материаллар) акциядорларга тақдим этилиши таъминлансин.

8. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

9. Мазкур йиғилиш кун тартибидаги масаласининг ижросини таъминлаш жамият Бош директори Юлдошев Акмал Эргашевич зиммасига юклатилсин.

Мажлисда раислик қилувчи: С.Ҳолиқов

Кузатув кенгаши аъзолари: Б.Бобокелдиев

Ў.Қиличов

Ш.Қурбанов

Т.Халбаев

М. Қаюмов

М.Абдурахмонов

Мажлис котиби: Б.Ҳасанова

Мазкур Кузатув кенгаши баённомаси билан танишдим ва бир нусхасини олдим:

Жамият Бош директори: А. Юлдошев.

Баённома имзоланган сана: "19" ______ 2024 йил.